



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Камалов Акмал Саидакбарович

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЙЎЛИДАГИ
ГЕОСИЁСИЙ МУАММОЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши йўлидаги геосиёсий муаммолари муҳокама қилинган бўлиб, уларни бартараф этиш йўллари ва алтернатив ечимлари келтирилган.

Калит сўзлар: Геосиёсат, муаммолар, Марказий Осиё, геостратегия, ҳудуд.

Дунёда буюк инқилоблардан сўнг инсоният синергетик тараққиёт йўлига ўтди. Кишилар, гуруҳлар, халқлар ижтимоий тараққиётни ўз хоҳиш-иродаларига мувофиқлаштиришни эрк, озодлик, тенглик шиорида ифода этишни бошладилар. Шу билан бирга асрлар давомида жамият ҳаётининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиб келган анъаналар, тушунчалар, турмуш тарзини осонгина рад этадиган, ўз манфаати йўлида давлат тўнтаришлари, инқилоб ва оммавий қирғинлар уюштиришдан ҳам тап тортмайдиган кучлар пайдо бўлди.

Молпараст, шуҳратпараст ва амалпарастлар ўз мақсадларига эришиш, дунёни ўз хоҳиши ва иродасига бўйсундириш учун жаҳон урушларини бошладлар, қуролланиш пойгасини уюштирдилар, ер ости ва ер усти бойликларини таладилар, дарёлар окимини ўзгартирдилар, атроф-муҳитни захарладилар, қашшоқликни кучайтирдилар, кишилараро ва миллатлараро нифокни келтириб чиқардилар. Натижада XX асрнинг ўрталаридан инсоният иқтисодий, ижтимоий, демографик, экологик, маданий инкирозга дуч келиб қолди. Чорак аср ўтмасдан, бу инкироз умумсайёравий,



умуминсоний — глобал вокеликка айланишга улгурди.

Бу жараёнларни маҳсус тадқиқ этган Г.Кан, Э.Тоффлер, А.Печчеи, Д.Медоуз, Ян Чинберген, И.Бестужев-Лада каби олимлар, қатор давлат ва жамоат арбоблари инсоният ҳаёти ва истиқболига таҳдид солаётган халокатли жараёнлар ҳақида бонг урган бўлсалар-да, уларнинг бу даъватлари кишилардаги нафсни ва амалга ўчликни тия олмади. Ҳатто улар томонидан Будда, Конфуций ва Исонинг ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма, ўзинг ўзинга халоскорсан, нажотни якка ўзингдан изла; ён-атрофдаги барча нарсаларнинг жони бор, уларга озор берма; ўлдирма; бировнинг молига кўз олайтирма; яратган олдида қарздор эканлигингни билиб, нафақат қариндошларингни, хатто душманингни ҳам севиб яша, деган умуминсоний-ахлоқий қадриятларни тинимсиз тарғиб этиб келинаётгани ҳам кутилган самара бермаяпти. Гап ушбу тадқиқотчиларнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ҳақида эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг нотекис (синергетик) кечаётгани, глобаллашув жараёнларининг ўта мураккаблиги, одамзод бу жараёнларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етолмаётгани тўғрисида бораяпти [1,2,3,4].

Ҳозирги кунда илмий адабиётда ва оммавий ахборот воситаларида “геоиктисодиёт”, “геоиктисодий парадигма”, “глобал иктисодиёт”, “иктисодий-молиявий глобаллашув”, “иктисодий дипломатия” каби иборалар кўп қўлланилмоқда. Айниқса, дунё иктисодиётида рўй бераётган мураккаб, зиддиятли жараёнлар ҳақида сўз кетса шубҳасиз, гап юқоридаги тушунчаларга бориб тақалади.

Кўпчиликнинг эътиборини тортаётган бу муаммонинг маъно-моҳияти нимадан иборат?

Жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги *ўзаро алоқалар*нинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё микёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янгича вазиятнинг вужудга келиши, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информацион-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, хуллас, жамият ҳаётининг барча соҳалари-иктисодиёт, *сиёсат*, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараёни билан боғланмоқда. Дарҳақиқат, мазкур жараён глобал коммуникация тармоғининг вужудга келишига имкон яратган информацион инқилоб, капиталнинг интернационаллашуви, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, табиий захиралар тақчиллиги ва уларга эгалик қилиш учун курашнинг кескинлашуви, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, умумсайёравий фалокат хавфи каби-ларда бу жараённинг зиддиятли ҳамда мураккаб моҳияти намоён бўлиб қолди. Табиийки, XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI асрнинг бошида мазкур муаммо жаҳоннинг етакчи олимлари (Р.Робертсон, Ж.Несбит, Э.Тоффлер, К.Омае, Ж.Гэлбрайт, Л.Туроу, М.Кастельс, З.Бжежинский, Э.Люттвак, И.Валлерстайн, А.Этциони, П.Дракер, Э.Гидденс), давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар диққат-марказида бўлиб келди. Улар ўтган асрнинг 80—90-йилларидан то бугунги кунгача инсоният тамаддуни истиқболлари, жумладан, ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти борасида баҳс-мунозар юритган жаҳоннинг етакчи олимлари, сиёсат ва дин арбоблари ҳисобланадилар [2,3,4].

Жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серқирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Президент Ислом Каримовнинг



«Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу омилларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил этиш ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга.

Хозирги пайтда Марказий Осиё минтақаси ҳам турли сиёсий, иқтисодий, харбий ва экологияга оид муаммолар мавжуд минтақалардан бири ҳисобланади. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий, маҳаллий можаролар ва диний экстремизм таҳдид солиши эҳтимоли мавжуд. Бундай қарама-қаршилиқларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган ҳаракатлари сабаб бўлмоқда.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири - минтақа ўзининг жўғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан ялпи хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан ҳам боғлиқ.

Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган электр энергияси манбалари, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисми ҳисобланади. Бизнинг ҳудудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайдилар.

Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистоннинг этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турганлиги билан изоҳланади. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник мурасизлик, нарқобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. «Геосиёсий мадсадлар — муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни *ифодалайди*. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шаклларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар мафкуравий сиёсат билан *қўшилиб* бормоқда [5,6].

«Геосиёсат» тушунчаси ўзида «гео» — «ер», «сиёсат» — «давлат» ва «ижтимоий иш» маъноларини англатади. «Геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

«Геосиёсат» узоқ, тарихга эга бўлса-да, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, хозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси фанларида кенг қўлланилмоқда. Геосиёсат кўп қиррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этади [7].

Ўзбекистан ўзининг иқтисодий салоҳияти, хомашё ресурсларига бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жиҳатдан геосиёсий жойлашувига кўра ҳам минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қилади. Шу маънода турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда

минтака давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўл ва услубларини ишга солмокдалар.

Масаланинг ана шу жиҳатига тўхталиб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов бундай деган эди: «Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё воқелиги шундан далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра, бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми қўшни давлатлар олдида барча салбий оқибатлар билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Ҳатто минтакадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда байналмилаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради».

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда унинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилмокда. Маҳсулот сифати ва нархининг маъқуллиги билангина жаҳон бозоридаги мавқени мустаҳкамлаб олиш, доимий шериклар ва харидорлар топиш мумкин. Шундан кейингина халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли иштирок эта оламиз. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш учун нафақат анъанавий маҳсулотлар ҳажмини кучайтиришимиз, балки илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган маҳсулотларни ўзлаштириб, экспорт қилишга эришмоқ лозим [8].

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш муҳим масала ҳисобланади. Бу бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётда мукамал технологик жараённи ўз ичига оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўрин тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш, қишлоқда янги иш ўринларини яратиш демакдир.

Хорижий мамлакатларга энергия ресурсларини сотиш Марказий Осиё мамлакатларининг асосий даромад манбаи ҳисобланиб шу туфайли улар мустақиллик йилларида ўз тажрибаларини ўзлаштирдилар.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистонда нефт, газ, кўмир ва ураннинг нисбатан катта захиралари мавжуд бўлиб, 30 йил мобайнида ушбу энергия ресурсларини хорижга экспорт қилишда сезиларли ўринни эгаллаганлар.

Агарда мустақилликнинг биринчи йилларида асосий импорт қилувчи мамлакат Россия бўлган бўлса, ҳозирги кунда янги қувурларнинг қурилиши ва маршрутларнинг деверсификация қилиниши ҳисобига энергия ресурслари сотиб олувчи мамлакатлар рўйхати кўпайди. Хитой нефт ва газ маҳсулотларини асосий сотиб олувчисига айланди.

Кейинги пайтларда АҚШнинг Марказий Осиёга бўлган қизиқиши бир мунча фаоллашганлигини кўзатиш мумкин. Бу жараён АҚШ давлат секретари Майк Помпеонинг 2020 йилнинг бошларида Қозоғистон ва Ўзбекистонда амалга оширган



ташрифи кутилмаган ҳол бўлди, чунки НАТОнинг Афғонистондаги операциялари 2017 йилдан бошлаб қисқартирилиши туфайли ҳудудда ташқи давлатларнинг қизиқиши бир мунча пасайган эди.

2021 йил 31 август куни АҚШ ва унинг коалициясидаги мамлакатлар тўлиқ равишда ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетдилар. Мажаролар ва ноаниқликлар янада жиддий тус ола бошлади дейилса хато бўлмайди.

Марказий Осиё + АҚШ (5+1), унда ҳудуд мамлакатлари Россия ва Хитойнинг иштирокисиз тўғридан-тўғри АҚШ билан мулоқот ўтказишлари мумкин бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон воқеаларига бирмунча реалистик, “катта ўйинсиз” қарайдиган бўлдилар.

“Катта ўйинлар” тушунчасининг илдизлари XIX асрга бориб тақалади, чунки Британия ва Россия империяси Жанубий ва Марказий Осиёга ўз таъсирларини ўтказиш учун рақобатлашганлар. СССРнинг тугатилиши билан Ғарбнинг бу мамлакатларга бўлган қизиқиши қайтиб келган бўлсада, бунда Москва Совет Итифоқи таркибига кирган мамлакатларни ўзининг алоҳида қизиқиши зонаси деб қарарди.

Ҳудуд мамлакатлари Ғарб билан Россиянинг ўзаро рақобатлашувини ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Марказий Осиё мамлакатлари гоҳ Москвани, гоҳ Вашингтонни, гоҳ Брюсселни ўзининг стратегик ҳамкори деб атаб уларнинг манфаатларини ўзаро тўқнаштириб қўйдилар. Шундай бўлсада бу ҳолат уларга ташқи “ўйинчилардан” турли хил грантлар, инвестициялар ва преференциялар олишга имкон берди. Ушбу қўйилмалар туфайли бу мамлакатларда ички модернизациялаш жараёни кинчи планга суриб қўйилди.

АҚШнинг Президенти сифатида Донлд Трампнинг сайланиши ва Россиянинг Украинадаги кризис туфайли Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудини “буюк мамлакатларнинг геосиёсий манфаатларини муҳим арена” деб қарашлари давом этди.

Бунда шу нарсани қайд этиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари деярлик 30 йил мобайнида инвестициялар ҳисобига яшади дейиш бирмунча юзаки қараш бўлади. Масалага жиддий ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Узоқ вақт давомида ташқи инвестициялар ҳудудни ривожлантиришни рағбатлантирган бўлсада энди ҳудудни рақобатлашаётган йирик “ўйинчилар” учун қизиқарли дейиш бирмунча мураккаб ҳисобланади.

Шу билан бирга, хорижга энергия ресурсларини сотиш Марказий Осиё мамлакатлари -Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг асосий даромадалри маанбаи ҳисобланиб, мустақиллик тамойилларини ўзлаштиришга асос бўлди десак муболаға бўлмайди.

Ҳудуднинг иқтисодий ривожлантиришни яна бир йўналиши бу пахта толаси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобланади. Бу ерда ҳам экспорт ҳозирча ҳамдўстлик (МДХ) мамлакатлари ва Хитой билан чегараланган. Саноатнинг ривожланиш тенденцияси ижобий бўлсада, унинг даражаси нисбатан паст.

Ҳудуд мамлакатлари иқтисодиётининг хомашё ресурсларига асосланганлигига қарамасдан, уларнинг барчаси ҳам ўз бозорларини очик савдо ва ташқи инвестициялар учун очиб берганлари йўқ.



Буларнинг барчасининг таъсири остида ривожланган ташқи мамлакатларнинг Марказий Осиё мамлакатларига қизиқишларини пасайишига олиб келди. Ҳаттоки, АҚШ, Россия ва Хитойнинг ҳудудда геосиёсий рақобатлашиши тўғрисидаги фикрлар ҳам ҳудуд мамлакатлари манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани йўқ.

Бизнинг фикримизча ташқи инвестициялар ва ташқи “ўйинчиларнинг” ҳудудга қизиқишларини таъминлаш бу бозор таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ҳисобланади. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг иқтисодиётни модернизациялаш сиёсати бу соҳада реалликга асосий эътиборни қаратишнинг афзаллигини кўрсатмоқда. Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, АҚШ, Ғарб мамлакатларининг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан ўзгарувчан стратегияси ва Евросиё Иттифоқидаги (ЕОҲ) мамлакатлари билан ҳамкорликнинг Ўзбекистон учун ноаниқ истиқболлари мамлакатда ички реформаларга асосий эътиборни қаратиш энг тўғри йўналиш эканлигини таъкидлаш мумкин [9].

АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан стратегияси тахминан ҳар беш йилда янгиланиб туради. АҚШнинг янги стратегиясида ҳудуд мамлакатларни биринчи марта Афғонистондаги ҳолатни, Россия ёки Хитойни эътиборга олмаган ҳолда ўзини-ўзи таъминлайдиган (самадостаточный) деб тан олинди.

Хужжатнинг олдинги версиясида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни Жанубий Осиёнинг бир қисми сифатида ёки мусулмон дунёси билан боғлаш мақсадида “Катта Яқин Шарқ”, “Катта Марказий Осиё” деган махсус тушунчаларни киритган эдилар. Янги стратегияда ҳудуд мамлакатларини “ўзини-ўзи таъминлаши” тан олиниб, уларнинг Афғонистон билан чегарадошлигидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатни тиклашнинг бир қисм маъсулитини ўз зиммасига олишини таъкидлаганлар. Демак ҳудуднинг АҚШ учун муҳимлиги афғон омили билан боғлиқ ҳолда қаралади ва уларнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги манфаатлари шу нуқтаи-назардан қаралади.

Вашингтоннинг янги стратегиясида янги инфратузилма, энергетик, логистик ва таълим бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга қизиқиш кўзда тутилган. Шундай қилиб америкаликлар ҳудуд мамлакатларида, асосан Ўзбекистонда ва Қозоғистонда либерал ўзгаришларни тезлаштиришни кўзда тутганлар.

Аммо, бизни Американинг Марказий Осиё бозорига киришига, уни инвестициялашга тайёрлиги масаласи савол туғдиради. АҚШ ҳудудида бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилишига тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатгани йўқ. (Масалан Хитойнинг “Бир белбоғ-бир йўл” лойиҳаси). чунки ҳудуд мамлакатларининг ҳеч бири лойиҳага қўшилмаслик позициясини эгалламаганлар.

АҚШ давлат секретари Ўзбекистон ва Қозоғистонни Хитойдан боғлиқлигини камайтириш лозимлигини таъкидлаб, унинг ўрнига Америка инвестицияларини ваъда қилган.

Америкаликларнинг янги стратегиясида Россия Қозоғистон, Қирғизистон аъзо бўлган Евразия иқтисодий иттифоқига муносабат билдирмаган бўлсада жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётини реформа этишдаги роли кўрсатиб ўтилган.

Марказий Осиё геосиёсий ҳудуди Евроосиёнинг марказий, қисмида жойлашган бўлиб, жуда кенг майдонни эгаллаган ва дунё океанига тўғридан-тўғри чиқишга эга эмас.

Ушбу ҳудуд ўз таркибига Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистонни қамраб олади. Тарихдан маълумки, Марказий Осиё Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни буюк Ипак йўли орқали ўзаро боғловчи ҳудуд бўлиб, моддий ва номоддий қадриятларни ўзаро алмашинувчи, таъминловчи, хусусан тажриба, муваффақиятлар ва ғояларни боғловчи ҳудуд саналади [10].

Марказий Осиёнинг геосиёсати ва геостратегияси, энг асосийлари бу ҳудуддаги нефт, газ ва уран рудаси захираларининг кўплиги, транзит ва коммуникацион йўлларнинг жойлашганлиги Каспий денгизнинг стратегик ва геоиқтисодий аҳамияти, ҳудуддан ўтувчи ресурсларнинг назоратини мумкинлиги, таъминловчи энергия трассалари, ички кризисларга таъсир этиш имконияти, замонавий шароитларда шу ҳудудда шаклланишига сабаб бўлган.

Марказий ва Жанубий Осиё дунёдаги энг ноёб нуқта ҳисобланиб унда ядро курули бор мамлакатлар -Россия, Хитой,Хиндистон ва Покистон жойлашган. Ушбу ҳудудда 50 млн.дан ортиқ аҳоли учун истеъмол бозори мавжуд бўлиб, унда турли этник гуруҳларга мансуб аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг бир-бирларига нисбатан ер майдонига эгаллик қилиш бўйича эътирозлари мавжуд, оқибатда нестабиллик учун сабаблар бор. Мустақилликга эришилгандан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари икки хил геосиёсий ўзгаришлар билан тўқнаш келдилар: ички ва ҳудудий. Бунда мисол сифатида ҳар хил географик ёки этник келишмовчилик юзага келганлигини келтириш мумкин.

Совет Иттифоқининг тугатилишидан сўнги даврда 11 сентябр(АҚШ) воқеаларидан сўнги даврда Марказий Осиёнинг геосиёсий ўзига хос хусусияти - ҳудудий ва трансхудудий масштабда устунликни қўлга киритиш учун кураш билан боғлиқ. Бунда, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидан ташқари ушбу ҳудудда ўзининг манфаатларини қондириш учун бешта ҳудудий (Россия, Эрон, Туркия, Хиндистон ва Покистон) ва учта трансхудудий (АҚШ, ЕҲ ва ХХР) давлатлар кураш олиб бормоқдалар.

Бирламчи хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, Марказий Осиёнинг ички ўзига хослиги ва жўғрофий ўзига хослигидан ташқари, сиёсий ҳудуд бўлганлиги тўғрисида асосий эътиборнинг бош сабаби замонавий шароитларда ҳудудий ва трансхудудий кучларнинг Марказий Осиёдаги рақобат кураши ҳисобланади.

Замонавий геосиёсий назарияларнинг Марказий Осиё билан боғлиқ алоҳида эътиборли жиҳатлари юқорида қайд этилганлар билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Переслегин С.Б.* Новые карты будущего, или Анти-Рэнд. – М.; СПб., 2009. – С. 19-29.
2. *Плотинский Ю.М.* Моделирование социальных процессов. – М., 2001.
3. Политический анализ и прогнозирование: А.С. Ахременко. 2006



4. *Полунин Ю.А., Тимофеев И.Н.* Классификация стран мира с использованием методов многомерного статистического анализа // Политическая наука / ИНИОН РАН. – 2007. – № 3.
5. Понтрягин Л.С. и др. Математическая теория оптимальных процессов-Наука, 1984.
6. Попов В.М. Бизнес-планирование. -М. :Финансы и статистика, 2002
7. JuraevMuxiddin, YusufkhanovZokirkhon, &AkhmedovDilmurod (2022). MODELING THE SYSTEM OF VEHICLE AND DRIVER ACTIVITY. *Universum: техническиенауки*, (1-3 (94)), 71-73.
8. Нэш Дж. Бескоалидионные игры / Матричныеигры-М:Физматгиз, 1961.-с 205-221
9. Камалов АкмалСаидакбарович, &СаматовГаффорАллакулович (2021). ОЦЕНКА ГЕОПОЛИТИЧЕСКИХ РИСКОВ В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. *Universum: общественные науки*, (11-12 (79)), 17-25.
10. ZokirkhanYusufkhonov, Malik Ravshanov, AkmalKamolov, and Elmira Kamalova. Improving the position of the logistics performance index of Uzbekistan. *E3S Web of Conferences* 264, 05028 (2021), CONMECHYDRO – 2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126405028>